

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КРЕАТИВ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Махмудова Машхура

Термиз Давлат Педагогика Институти 2-босқич магистри

maxmudovamashhura8@gmail.com

тел: 94-267-36-66

АННОТАЦИЯ

Уибү мақолада замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол методлар асосида бошлангич синф ўқувчиларининг креатив фаолиятини ривожлантириши, креативлик кўникумаларини юзага чиқаришининг аҳамияти баён этилган. Унда асосий эътиборни компетенциявий ёндашув асосида бошлангич синф ўқувчиларида креатив қобилияtlарни ривожланганлигини аниқлаши мезонлари ва механизmlарини такомиллаштиришга қаратилган. Интерактив ўқитиши методлари ва технологиялари воситасида ўқувчиларда креативлик қобилияtlарини ривожлантиришининг интеграллашган методик тизимини такомиллаштириши, креативлик қобилияtlарнинг ривожланганлик даражаларини аниқлаши ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: креативлик, шахс, қобилият, интерактив методлар, ижодкорлик, технологиялар, мезонлар, даражалар, омиллар

DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY OF ELEMENTARY SCHOOL STUDENTS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM

ABSTRACT

This article describes the importance of developing the creative activity of primary school students and bringing out their creativity skills based on modern pedagogical technologies and interactive methods. It focuses on improving the criteria and mechanisms for determining the development of creative abilities in primary school students based on the competence approach. Creativity skills in students through interactive teaching methods and technologies improving the integrated methodical system of development, creativity is about determining the levels of development of abilities.

Key words: . creativity, ability, interactive methods, technologies, criteria, levels, factors, person,

КИРИШ

Жаҳон ҳамжамиятида интеграциялашув жараёни кечатгандан ҳозирги кунда тараққиётнинг асосий омиллари сифатида жамият аъзоларининг креатив фаоллик даражаси эътироф этилиб, халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “билимнинг мустаҳкам пойдеворига эга бўлиш ва креатив фикрлашни ривожлантириш, ҳамкорлик қобилияtlари ва қизиқишларини кучайтириш” долзарб вазифа сифатида қайд этилган. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган Халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчилликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, қатъият ва жонбозлик, шижаот кўрсатишни талаб этмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида маънавий-маърифий ишларнинг самарали ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик хиссини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишлар илмий ва тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинган¹.

Илгор хорижий тажрибалар асосида замонавий касбий таълим мазмунини интернационализациялаш ва модернизациялаш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш, интерфаол ўқитиши методлари ва технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш асосида таълим олувчиларда креативлик қобилияtlарини ривожлантиришнинг педагогик механизmlарини янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради. П.Торренс фикрича “Креативлик” тушунчаси негизида қуидаги ёритилади:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта ПК-5040-сон “маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. / “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 27 марта, №2 (7842).

- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанликни билдиради.

Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) сингари креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади. Хўш, шахс фаолиятида креативлик хусусият-лари қачондан намоён бўлади?

Одатда креативлик болаларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, аммо, бу ҳолат болаларнинг келажакдаги ижодий ютуқларга эришишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий малака ва кўникмаларни ўзлаштиришлари лозим деган эҳтимолни ифодалайди.

Ўқувчиларда креативликни ривожлантиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

- 1) ўқувчилар томонидан кўп саволлар берилишини рағбатлантириш ва бу одатни қўллаб-қувватлаш;
- 2) уларнинг мустақиллигини рағбатлантириш ва уларда жавобгарликни кучайтириб бориш;
- 3) ўқувчилар томонидан мустақил фаолиятни ташкил этилиши учун имконият яратиш;
- 4) ўқувчиларнинг қизиқишлирига эътибор қаратиш лозим деб топилди.

Ўқувчи ёшларнинг креативлик фаолиятлари ривожланганлик даражасини аниқлашнинг қуйидагича мезонлари мавжуд: креатив фаолиятга нисбатан мотивациянинг қарор топганлиги; креатив фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлиги; креатив сифатларнинг шаклланганлиги; амалий креатив фаолият жараёнини ташкил этиш;

ХУЛОСА

Интерфаол таълим технологиялари ва методлари ўқувчиларнинг креатив фаолиятининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамда ўқувчиларда креатив фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол ўқитиш жараёни ўзининг муайян мазмуни, воситалари, хусусиятлари, усуслари ва педагогик шарт-шароитларига эга. Таълим олувчиларнинг педагогик эҳтиёjlари, қизиқишлири, алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўналишларини тизимли тарзда ўрганиш, бунда уларнинг

креатив фаолиятни ташкил этишида дуч келадиган педагогик- психологик тўсиқларни бартараф этишнинг самарали усулларини белгилаб чиқиш лозим бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПҚ-5040-сон “маънавий-марифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори. / “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 27 март, №2 (7842).
2. Toshtemirova S. A. (2020). Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim. № 1 (86). - S.5
3. Ибрагимова Г. (2015). Педагогик инновациялар ёрдамида талабаларнинг креатив қобилиятларини шакллантириш. Замонавий таълим, 1(3), 50-54.
4. Тоштемирова С.А. (2020) Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион ФОяларнинг ахамияти. Муғаллим ҳәм Узликсиз билимленидириу, 1(1). 56-61.